

Муаллиф:

16.05.2024 10:01 - Янгиланди 16.05.2024 10:04



**Босмачилик ҳаракатининг тугаши ва
бунинг сабоқлари**



Дахрийлар давлатининг бошлангич даврлари - минг тўққиз юз ўн еттинчи йилдан йигирма бешинчи йилгача, шу орада, бутун Ўзбекистон ўлкалари бўйича бос-мачилар отида чиккан кўзголончилар кўпаймиш эди-лар. Буларнинг энг машхурлари эса Кўкондан - Эргаш, Маргилондан - Мадаминбек, Шерматбек(Асл исми Шермухаммад, кўлөзмада Шермат кўр), Андижон, Ўш, Ўзган томонларида - Холхўжа, Охунжон, Абдураззок, На-мангандан - Омон полвон ва бошқалар эди. Буларнинг барилари эса коронги халк ичидан чиккан кора ботир-лардан бўлиб, “Ўрис кофирларни йўкотиб, Ислон очамиз” дейишдан бошқани билмас эдилар. Юкорида номлари ёзилмиш кўрбошилар кўл остиларида ёнар ўтдек, ботир юракли жонфидо ўзбек йигитларидан оз деганда ўн минг-дан ортиқрок киши борлиги маълум эди. Афсуски, бу қахрамон болаларимизнинг онглари очиб ишга сол-гудек, хар ишга ярамлик сиёсий рахбар бўлгудек бирорта кишимизнинг йўклигидан, ташкилий равишда очик бир мақсадни олга кўйиб иш олиб боришолмаганликдак мамлакатимизнинг бахтсиз энг ботир ўгиллари хар ерларда душман кўллари билан отилиб-чопилиб бекорга йўкотилдилар. Бу қаби илгари-кейин ўтган дард-хасрат, гам-кайгулик ишларимизнинг борлик сабаблари ислон динига туб негизи билан тушунмасдан замонавий илм-хунарлардан курук колганлигимиздир. Шунинг учун Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам: “Нодонлик, тушунмаслик куфрдан ёмонрок”, дедилар(Бухорий, 7/3321,3332 дагиларга ишоратан ёзилган бўлиши голиб.). Куръон ай-тишича имон-исломни билиб олгандан кейин хар бир муслмонга ўз замонаси илмини ўкиб тушуниши ва за-монавий хунарларни ўрганиши албатта зарурдир. Юкорида ёзилмиш эдики, Керенский томонидан бе-рилган Кўкон мухторият ҳукуматига ўн икки кишидан иборат аъзо сайланмиш эди. Шулардан бирови мархум Олимхонтўра акамиз эканлар. Бу иш бошланиб, олти ой ўтар-ўтмас, очик вагонларга тўп-замбараклар

курган холда келишганбольшевикларбўлугиКўконнитўпгатутишиб,кўп хароб килганликларини ҳам юкорида ёзган эдик. Албатта бундай кунлари энг огир, кўркинчлик ишлар ҳукумат аъзолари устида бўлиши ҳаммага маълумдир. Шунинг учун акамиздан очик бир хабар келмагач, жигарчилик экан, чидаб туrolмай, жонфидо дўстларимиздан мархум дунган Эбил охунни йўлдош олиб Андижон сафарига чикдим. У кунлари эса инкилобнинг бошлангич даврлари бўлганликдан сафар йўлларимиз анчагина кўркинчли эди. Шундай бўлишига карамай тоат сафари бўлгач, Тангрига таваккал айлаб йўлга тушдик. Сўкулук, Оксу, Кораболта, Ашморадан ўтиб тўртинчи кўнока - Меркига етдик. Бу эса Боласогун каби исломдан илгари-кейин Туркистон тупрогида яшовчи маданий ўтрок ўгуз туркларининг шахри эканлиги, ўртадаги арки айланаси харобаларидан очик билиниб турарди. Энди эса илгариги ўгуз турклари -ота-боболаримиз яшаган Она ватанимиз ерларига, боши Иссиқкўл, оёғи Ўтрордан ўтиб Сирдарё бўйларигача, ерлик халқдан кўпроқўрислар эга бўлиб ўлтирибдилар. Шу билан Меркида бир кўниб, эртаси тоғ йўли билан кетмакчи бўлиб, кун юриш томонидаги Тиёншон тоғлари ичида Жоргортовонига караб жўнадик. Бу ошув эса Орка Туркистон билан Фаргона водийси орасидаги Олатов тоғлари ичида энг эгиз доvonлардан хисобланади. Бунини ошиб ўтгач, икки томони буюк тоғлар билан куршалган, калин тўкайлик Сочконсой деган тоғ ўзанга тушдик. Бу тоғлик яйловлар ичида турк улусларидан соёк, жетиган киргизлари яшар эканлар. Эл яйловдан кўчиб, кишловга тушган кунларига тўғри келганлигимиздан кўч(Кўчаётганлар тўпи, гуруҳи, жамоаси маъносида.) оралаб юриб ўлтириб хуфтон вақтида сой ўртасига етдик.

Бу ўртада йўловчилар учун белгиланган кўнолгу йўк эди. Кеч кириб, гугум(Гугум - гира-шира (чиг.туркча).) тушиб, кош қорайгач, йўл-дан чеккароқка чикиб атрофи очик бир тоғ бетида ётдик. Чунки кечкурун йўл келаётганимизда кўришган кўчманчилар кўзлари бизга тушиб, шу яқин орада кўниб қолишимизни пайкаган эдилар. Хар икки томони олислашган узун тизма тоғлар орасида келаётган яхши отлик қуролсиз йўловчиларга бу тоғ кашкирларининг кўзлари тушгач, кизиқиб, қолишмасин деб, шу кечани уйғоклик билан ўтказмокчи бўлдик. Тонг оширадиган отларимизни калмокчасига қидор(Тушов (чиг.туркча).) солинган холда ўз олдимизга келтириб қўйдик. Шу кеча тун қоровуллигини ўзим олмокчи эдим. Бирок йўлдошим Эбил охун мени қўймасдан бу хизматни ёлғиз ўзи бажармокчи бўлди. Шундай бўлса ҳам унга кўп ишонмай, тун ярми ўтгач, мени уйғотиб ўзи ухлаш шартин билан ётдим. От устида ўн соатлаб йўл юриб қарчаган киши шундай бош қўйишим билан уйқуга кетган эканман. Бир вақтуйғониб қарасам Эбил охун донг қотиб ухлаб ётибди, отлар иккови ҳам йўк. Хой сенга нима бўлди? - деб қаттиқ қичқиришим билан у ҳам уйғонди. Нима қилишимизни билолмай икковимиз ҳам бек(Жуда (чиг.туркча).) шошкинликка тушдик. Чунки бу ернинг хар икки томони ҳам яёв юришга 3-4 кундан кам эмас, хатарли йўл эди. Хуржун-халашларимизни кўтаришиб озик-овқатсиз неча кунлаб йўл юришга тўғри келар эди. Шунинг учун Расулulloх соллalloху алайхи васаллам сафар хатарларидан сакланиш учун ва уйдан чиқар олдида сафар намози нияти билан икки ракат ибодат ўтаб, “Алхамду” сураси(Яъни, Фотиҳа сураси.) сўнгига “Оятал курси”(Бақара сураси, 255-оят.) ёки икки “Кул аъзузу”(Фалак ва Нос суралари.) ўкиб, намоздан сўнг шу дуони қилишга буюрдилар: “Оллохумма инний аъзузу бика мин ваъсоис сафари ва қобатил мунқалаби ва суъил мунзари вал ахли вал валади.”

Маъноси: “Эй бори Худоё, сафар хатарларидан сакла, қайтиб қилишда мол, жон ёки оила ичида қўнгилсиз ёмон ишлар устига қичишдан асра”, демақдир.

Қарасак, вақтарим кечадан ошмиш эди. Бизларга кўзлари тушган кўчманчилар қасдлаб

келиб ўғирладиларми ёки очиккан, чанкаган отлар кандайдир бўшаниб олган бўлсалар, сув товушига эргашиб, тўкай ичига тушдилармикин деб чидаб туролмай, кўзга санчса кўринмас коп-кора тун ичида тимсалашиб, хар икковимиз, от карамоқчи бўлиб икки ёкдаги тўкай ичига кирдик. Бундай жойларда бўри, айик каби йирткич хайвонларнинг бўлиши белгиликцир. Соклик юзасидан пичогимни кўлимга олиб, тўкай ичида туртиниб якин икки соат кидирганим сўнгида от шарпаси билинмагач, кайтиб чиқишга мажбур бўлдим. Хай, шу кечанинг узунлиги жонга ботди, хар икковимиз зорика-зорика термулганимизча ўлтириб, аранг тонг откиздик.

Йўлдошим Эбил охун ўз килмишидан хижолатга қолиб бош кўтара олмаган бўлса ҳам, уйгурлар “Мўллам, дони зўлонг”(Муллам, дуога босинг (уйгурча).) дегандай, мен ўз одатимча дуога киришиб, “Саловоти тунжино”(Нажот дуоси (иловага қаранг).) ўқиш билан тонг оттирдим. Тонг отиши билан намозимни ўтаб олгач, яна излашга ки-ришдим. Кун кўтарилган чоғи эди, чуқур бир сой бўйи-даги қалин тўкай ичида “Хой, от бу ёкда экан!” деган йўлдошимнинг уни эшитилди. Шу билан бир зумда бо-шимиздан гам тоғи кўтарилиб, бу каби кўркинчилик ерларда сафар хатарларининг қайғулик қоронғу тунги коп-лаган тутук(Хафа, хуфтон (чиг.туркча).) кўнглимиз бир дамда очилди. Яхши, Худо ўнглаб бошқа харом тегмаган экан, тездан отларимизни келтирдик. Ём-чўп едириб қондирганимиздан сўнгра яна йўлимизга тушдик. Бир оз вақт юрганимиздан сўнгра Қетмонтепа томондан қочиб келаётган бола-чақалик руслар манзилга етқунимизча узилмай олдимиздан ўтгани турдилар. Нима бўлди экан десак, Ўш атрофидан бош кўтариб чиққан Холхўжа деган кўрбоши қуроллик-қуролсиз юз чамалик йигитлари билан қелиб, Қетмонтепа қишлоғида тинч ётган русларни қамаб кўрқитган экан. Орада бир кўниб эртаси Қетмонтепага етдик. Бу эса Орқа Туркистон билан Фарғона тизма тоғлари орасига тушган ора яйлов қаторида об-хавоси ўртача машхур Сувсамир яйловининг оёғи бўлиб, ери кенг, сувлари мўл, қелишган, гўзал бир ердир. Экинчилик ишлари бу ерда бек унумлик бўлиб, айниқса, хар турли дон ўсимликлари бўлак ерлардан кўра бу ерда тўлиғи билан етишади. Бугдой қонлари эса ортиқча таъмлик бўлганликдан чет ёкдан қелувчи йўловчилар бунинг олдида бошқа нарсани кўп қусамайдилар(Қусамак, хуш кўрмоқ (чиг.туркча).). Шунинг учун қор ҳуқумат қамонидаёқ бу жойларга қизикиш бошланиб, ерлик қирғизлар билан эмас, рус қелгиндилари билан қерақли қари ўринлар тўлдирилмиш эди.

Шундай қилиб, отушлик савдоқарлардан бирининг уйига кўниб бир қун дам олганимиздан сўнгра, бу ердан қикиб юрганимизча Эшимнинг сойи деган узун бир ўзанга тушдик. Бош-оёғи кўринмаган сой ичи тўлган қиста, қодом, ёнғок қабил мевалик қалин қарахтларни оралаб юриб ўлтириб, Норин қарёси бўйига қикдик. У қонлари эса бу қарё икки қисик тоғ оралиғида оқайтганлиғидан қикка тоғ қелидаги ёлғизоёқ, қор йўлда отлик юриш анчағина қатарлик эди. Шу қонги қўнолқудан ўзғач, орада яна бир кўниб Норин сувидан Хўжам кўприғи орқалик ўтиб, Учқўрғон қишлоғига қирдик. Йўловчилар шимолий тизма тоғлардан ўтиб Фарғона қодийсига тушғач, биринчи навбатда учрайдиган қишлоқлари шудир. Наманган, Қўқон, Андижон ва бошқа Фарғона шақарларига шу ердан қарқаладилар.

Бизнинг бу қарқаримиз 1921 йили бўлганликдан босмачи қонидағи қалқ қўзғолонқиларининг энг қуаб ётган вақти эди. Бир қишлоқда қольшевиклар, иқкинқисиди босмачилар туриб, ораларида отишма-қопишмалардан қикқан милтиқ товушлари узилмас эди. Минган отлари-қизни кўрган қишилар: - Қой, қандай бўлар экан, бу ўхшаш қаши отларга қўзлари тушганда ҳеч қачон қутула олмайқиз. Ориқ отларни

Муаллиф:

16.05.2024 10:01 - Янгиланди 16.05.2024 10:04

бериб, бу отларингизни тортиб олмасалар, - деб бизни ваҳимага солдилар. Шундай бўлса ҳам Андижон шахрига етгунча бирига-бири туташган калин дарахтлик кишлоклар оралаб кетдик. Кўча бошларида ўтиришган одамлар: - Хали шу ёкка кетган беклар, босмачилар сизларга қаерда йўликишди? - деб сўрашар эди. Оллох саклади бўлгайким, ҳеч нарсга кўрмай, яхши-ёмон кишиларга йўликмай, тўгри йўлимизда кетавердик. Ур-ганж кишлогидан чикиб, Андижонга яқинлашган сайин уруш аломатлари кўрина бошлади. Шундоқки, Андижон, Намангон поездлари бутунлай тўхталган, темир йўллари бузилиб, станциялари куйдирилган экан. Шу каби аломатлар ичида юриб ўлтирганимизча омон-эсон Андижонга етдик. Шаҳар ичига киргач карасак, бутун кўчаларда чувалиб-сочилиб ётган пахта тойлари хисобсиз эди.

Сўрасак, биз келишдан уч-тўрт кун илгари Мадаминбек шаҳарга хужум қилиб ҳар икки томон аскарлари той пахталарни ўзларига қалқон қилиб отишишган эканлар. Сўнгра буларни шаҳардан чиқариш учун қалъага қамалган большевик аскарлари томонидан отилган тўп-замбарак зарбаларидан шаҳар халқи хонадон уйлари, бозор-раста дўконлари анчагина зарарланмишдир.

Нак шу вақтлари мамлакат бўйлаб бутун Русия бошқа жойларида большевикларга қарши халқ кўтарилмиш эди. Ички Русияда Колчак, Врангел каби ҳарбийлар, Оренбург казакларидан Дутов, Анненковга ўхшаш генераллар бош кўтармиш эдилар. Мамлакат бўйича қуролланган ҳар жойдаги қуролли қучлар ва ҳам иқтисодий ишлар вайрончиликка учраганликдан ҳолатга етарлиқ эмасди. Ёқилгилар эса тугашга етиб, темир йўл паровозларига кўмир йўқлигидан ўтин ёқишга мажбур эдилар. Яна у кунлари эса бутун Ўзбекистондаги русларнинг сони ҳозир-ги шу кунлардагиларнинг юздан бирича ҳам қелмас эди. Бунинг устига узун Дашти Кипчок чўллари орқали орамиз ажраганлиги, ватанимиз Ўзбекистон Ёвропо босқинчилари марказидан йироқ туриши, яна бу кунга қараганда оз-кўп диний, миллий ҳиссиётимизнинг борлиги, мана бу каби нарсалар эса у кунлари биз учун қераклиқ бутун ишларимизни қулайлаштиришга йўл очмиш эди. Қисқаси, ватанимиз Ўзбекистонни босқинчи руслар кўлидан қутқариб қолиш шароити шу чоғда тугилмиш экан. Улардан фойдаланиш йўллари нега тополмадилар? Бунинг бирдан-бир сабаби - у кунлари халқимиз ичида сиёсий оламга тушунган, оз бўлса ҳам замонавий илм ўқиб билган кишиларимиз йўқ ҳисобида эди. Мисоли шулки, қурилиш ва ибнокорлик асбоб-ускуналари агар тўлиги билан топилар экан, унга раҳбарлик қилувчи муҳандислар тажрибалик уста ишчилар бўлмасалар, у ибннинг қурилиши, албатта, мумкин эмасдир. Шунга ўхшаш бир миллат ўз миллий давлатини қуриб олиши учун замонасига лойиқ бутун асбоб-ускуналарни қўлга қелтирган тақдирда ҳам шу нарсаларни ўз ўрнида ишлата билгудек, миллий ҳиссиётлиқ сиёсий арбобларга албатта муҳтождир. Ҳозирги ўқимишлиқ, тушунган ватан болаларимиз агар миллий ҳислиқ бўлмас эканлар, улардан бизга, яъни ўз халқига фойда етиши ҳеч вақт мумкин эмасдир. Балки, болта сопини ўзимиздан чиқариб, тўп илдизимиз билан бизни қесиқ қурилишга қурол бўладилар. У ҳолда эса ўзларидан умид этилган ватан ўғилларининг қўллари билан ватан ахллари қўмишга қуқур қазилди демақдир. Энди миллий ҳиссиётларини сақлаш учун ўзларида икки нарсанинг бўлиши албатта шартдир: Бирови - дин, ик-кинчиси эса ҳар миллатнинг ўзига ҳос она тилидир.

Большевиклар ҳокимияти қурилган кунданок бошлаб диний маросимларимизни асоси билан йўқотишга қириш-ганликдан ҳозирги болаларимизнинг диний ҳиссиётлари йўқ ҳисобида қолмишдир. Бунинг устига яна ўз она тилларидан ҳам ажрар эканлар, у чоғда диний, ҳам миллий ҳиссиётлари бутунлай йўқолиб, қўп узокламаёқ русларча ютилиб

кетишлари шубҳасиздир. Бу эса ота-боболарининг суяклари билан бир катлами кўтарилган гўзал Ўзбекистон - Она ватанларини боскинчиларга колдириб, ўзлари инкироз чуқурига юз тубан йиқилган холда тарих юзидан абадий ўчирилди демакцир. Ўз ота-боболарини унутиб, бошқаларга кўшилган бундай кишилар хақида Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом норозилик билдириб, лаънат ўқидилар.

Яна ўз сўзимизга келайли. Шундок килиб, шаҳар ичига киргач, руҳи ўчган кишиларни, кўнгилсиз кўчаларни оралаб ўлтириб, Хўтан арикбўйи ота маҳалламиздаги поччамиз Абдуллахожи уйига тушдик. У кеча ором олиб, эртасига Олимхонтўра акамиз билан кўришгандан кейин бу ерда ҳафта-ўн кунлаб туришга тўғри келди. Шу муддат ичида кўпгина кишилар билан сўзлашган бўлсам ҳам, у кунларда душманлар томонидан кўлланилаётган сиёсат сеҳрига тувалик(Асоси билан, тағ-туғи билан, чуқур (чиг.туркча).) тушунган бирорта кишини уч-рата олмадим. Шундоқки, Масков сеҳрчилари босмачи номида чиккан кўзғолончиларни ҳеч кимга туйдирмай(Билдирмай, сездирмай, исини чнкармай (чиг.туркча).) ўзларининг энг яқин қуроллик аскарлари каторига кўйиб, улардан фойдаланмоқда эдилар. Чунки, инсон насли Ер устига таралгандан бери ҳеч бир даврда кўрилмаган бузук-жирканишлик тузумларини большевиклар ҳеч кимга қабул қилдирилмагач, инсоннинг ҳаётий емак-ичмак, озик-овкатларига осилиб, бирор киши уйида ор-тикча дон уругидан ортикча ҳеч нарса қолдирмай йигиб олишди. Шу орқалик халқни оч ўлдириш кўркинчи билан ўзларига бўйсундирмоқчи бўлдилар. Лекин бу зулмларини шаҳар ичларида камов-хайдов қаби ҳар турлик ваҳшийликлар орқалик тездан бажара олган бўлсалар ҳам, шаҳар атрофи кишлоқларда шароити тўғри келмагач, бу хиёнатни юргиза олмадилар. Чунки, бу қаби боши туюк(Берк (чиг.туркча).), қоронғу кўчага халқни қирғизиш эса иқтисодий, сиёсий мажбурлик орқалигина бўлиши мумкиндир. Шунинг учун большевиклар атрофдаги ўзларига қарши бош кўтаришган нодон душманларга остиритдан(Яширинча, пинҳона (уйғурча).) қурол етказиб туриш сиёсатини қўлландилар. Ўлка бўйича ўн мингдан ошiq тахминланган кўзғолончилар аскарларини бир мақсад, бир нуктага қолтириб, бир тут остига тўплагудек ерликлар ичидан ишга ярамлик бирорта одам чикмаганликдан бу қора ботирлар нима қилишларини билмагач, ўзларини таъминлаш учун халқ бойлигини талашга қиришдилар. Натижада бутун халқ борлиқ бойлиқларидан ажраб, қанот-қуйруғи юлинган қаргадек оч-яланғоч, бир тишлам нонга зор бўлган холда “ғах” деса қўлга қўнғудек бўлди ва у қамонга тушунмаган қора ботирларга халқнинг нафрати ошди ва улар “босмачи” деган номни олди. Буларнинг ичида бир оз бўлса ҳам қамонасига тушунган, халқ олдида ҳурмати бор, ишончилиғи ортган Мадаминбекни ўртадан кўтариш зарур бўлди. Қандайдирки, бу масалани қурол қучи билан эмас, балки макр-хийла орқалик халқ қилишга қиришганликдан тубандаги моддаларни қабул қилган бўлиб, у билан битим(Бу битим нусхаси иловада берилган.) тузмиш эдилар:

1. Фарғона мухториятини тасдиқлаш;
2. Шароитга қараб ўн мингдан қирқминггача Мадаминбек қўл остида миллий аскар сақлаш ва буларнинг Қурол-яроғларини марказий ҳукумат томонидан таъминлаш;
3. Ўқув-ўқитув ишлари ерлик ҳукумат ихтиёрида ва ўз она тилларида бўлади;
4. Мусулмонларнинг диний ва ўзаро даъво ички ишлари бутунлай ўз қўлларида бўлиш ва шариат бўйруғича юргизиш.

Мана шулар қаби эшитишга анча фойдалиқ кўринган ишлар билан қелишим тузилган сўнгида шу йигирманчи (1920) йили Мадаминбек Тошқентга қақирилди. Унинг қелиш ҳурмати учун қет давлатдан қелаётган ҳуқм-дорларга қилгандек кўчалар безатилган

Муаллиф:

16.05.2024 10:01 - Янгиланди 16.05.2024 10:04

холда тантана билан карши олиниб, катта маросим ўтказилмиш эди. Буни кўрган мусулмонларнинг рухлари кўтарилиб, тарихий анъаналари кўзголганликдан миллий-озодлик умиди билан миллий ҳукуматларини эскармиш эдилар.

Буни кўрган ватан боскинчилари ўзларининг олдиндан ўйлаб қўйган макр-хийлалик планларини тезлик билан амалга ошириш сиёсатига киришди. Йўқ эса ҳар икки томон ризолигича тўхтам килинган битим моддаларини халқаро конун бўйича амалга оширишлари лозим эди. Бунга қарамай бекка илтимос қилган бўлиб, Фарғонада қолган Шерматбек, Холхўжа каби кўзолончиларни ҳам Тошкентга келтиришни унга таклиф қилдилар. Бу ҳам “Улар менинг сўзимдан чиқмайди” деб ишонганликдан эҳтиёт йўлини ўйламай тўғри булар олдида келмишдир. Холбуки, бу маккорлар аллақачон ўз қўллари билан чуқурлар тайёрлаб қўймиш эдилар. Шундоқки, “Мана сизлар ишонган Мадаминбегинлар қофирга сотилиб, ўз фойдаси учун сизларни тутиб бермокчи бўлди. Бу ишни бажариш вазифаси унга топширилмишдир. Бу яқин орада келиб қолса, шунга қараб чора кўриш керак” деган ёлгон фитна сўзларни тарқатиб, у онгсиз қора ботирларни ишонтириб тургани устига Мадаминбек ҳам келмишдир. Ҳақиқатда эса қўқрак қериб от қопишдан бошқа ҳеч ишни билмаган маслакис қора ботирлар кўзлари унга тушиши биланок гапиртирмасдан: “Хой, сен бизларни қофир большевиклар қўлига бермокчимисан”, деб уни ўлдирдилар. Бу улуг жиноятни бажаришган сўнгида озу қўп қутилган умидлар узилиб, кўз тутилган ишлар бутунлай ўзгарди. Боскинчиларга хайбат кўрсатган Мада-минбекнинг кўзголончилар қўлида ўлиши, ҳар холда ерлик халқ учун фойдалиқ кўринган юқори битимнинг бузилиб кетиши қалажакда қутилган мусулмонлар ман-фаатларига қаттиқ зарба бермиш эди. Бу қожиалиқ воқеадан ватан боскинчилари ўзлари талагандек икки тарафлама фойдаланиб, ҳиёнат мақсадларига эришдилар.

Мана бу қожиадан кейин ўлка бўйича тарқалган кўзголончиларнинг қўри тутаб, жамиятлари бузилди. Рухлари тушиб, тўплари тарқашга бошлади. Ёлғиз большевиклар эмас, балки ўз халқлари олдида ҳам ўғри-босмачи номини кўтардилар. Бу ишда планлари тўғри чиққач, мундан бу боскинчилар неча ёклама фойдаланишга киришгани турдилар. Халқни талаш-булашда, ўлдириш-қуйдиришда босмачи номида чиққанлар уларнинг олдинги сафдаги қуроллик аскарлари хизмати ба-жардилар. Кўзлаган мақсадлари қўлга қелиб, планлари тўлғунчалиқ ерлик халқ устида ўтказиш лозим бўлган ҳар турлик ваҳшийликларни нодон босмачилар қўли билан бажариш сиёсатини тутдилар. Аларнинг қуроллари эса булар томонидан таъминланиб турмокда эди. Иш ортини ўйламаган, дўст-душманининг қимлигини билмаган бир тўда ясама ваҳшийлар орқалиқ ўйлаган планлари тўлиб, кўзлаган ишлари бажарилиб бўлгунча бутун ерлик халқ жонларидан тўйиб, қанот-қуйруғи юлинган, тумшуги билан ер тираган қуш каби нима деса бўйинсунишга тайёр бўлмиш эди. Маккор, хийлагар Масков сехрчиларининг тубғи(Асл (чиг.туркча).) тутган сиёсатлари эса бутун ерлик халқларни, юқорида айтилгандек, ўз қўллари билан бўғизлаш, иқтисодий бўлғунликка(Инкироз (чиг.туркча)) туширгандан сўнгра, аларни қалажакдаги абадий қулликка тайёрлаш эди. Телба, мажнунлар қўлларига қурол ушлатиб, шу орқалиқ иш-лари бажарилиб, планлари тўлган сўнгидагина иблис Калинин Масковдан қелди. Бунинг қелишини ҳар ёклама исқанжа азоби остига олиниб, энг охири дамини аранг олаётган бечора мусулмонлар ўзлари учун нажот байрами ҳисоблаб, тантана билан уни қарши олдилар. Ҳақиқатда эса бу жаллодларнинг мақсади бўри оғзидан қутқариб олиб, ўзларига қурбон қилиш эди. Ҳар холда босмачилик плани тўлиб, бу ҳақдаги сиёсат ўзгарганликдан Калинин ва унинг

Муаллиф:

16.05.2024 10:01 - Янгиланди 16.05.2024 10:04

хайъатлари келиши билан ҳар жойда қурилган зулм судлари ишга киришиб, бутун босмачиларни ўлимга буюрдилар. Шу баҳона билан ўзларига тўғри келмаган кўп ерликўз ватани учун қайгурган кишилар отилиб-чопилиб, қолганлари сургун қилинди. “Душман қўли билан илон бошини янч” деган мақолимиз ўз устимизда ишлатилиб, ўз қўлимиз билан ўзимизни бўғизлатдилар. Шундай бўлиб, олти-етти йил давом этган қўзғолончилар ҳаракати онгли равишда илмий-сиёсий асосга қурилмаганликдан охири ачинарлик ҳолга айланиб, бутун ишлари натижасиз бўлиб чиқди. Йўқ эса, қанча халқимиз қонлари ўринсиз тўқилгани устига не қаҳрамон йигитларимиз, ватан ўғлонлари бу йўлда қурбон бўлмиш эдилар.

Эшитишимизча, Калинин 1923-1926 йиллари бу Ўзбекистон-Туркистон ўлкасидаги бутун ишларни ўзлари тилагандай бажариб Масковга қайтиб боргач, уни йигирма мингдан ортиқ одам қарши олиб, қутиб чиқмишдилар. Шу чоқда уларга қаратиб Калининнинг биринчи айтган сўзи: “Ўртоқлар! Бог-бўстонга ўралган, ноз-неъматга тўлган Ўзбекистондан партиямиз сизлар учун, бутун рус халқи учун олий жойлар тайёрлади. Биринчи сизларни шу билан табриқлайман”, - демишдир. Ҳозирги тарихдан қирк неча йиллар илгари айтилган унинг бу совуқ сўзи айтилганича қолмай, балки қун сайин амалга ошаётганликдан у қунларда ўн фоизга етмаган рус босқинчиларининг сони шу қунлари [қатор шаҳарларда] етмишдан ҳам ошиб бораётганлари қўз олдимизда туради. Энди бошдан-оёқ бу қаби қожиалик тарихий сўзларни ёзишимдан қўзлаган менинг тубғи мақсадим эса қуруқ дostonчилик эмас, балки бутун инсоният ҳуқуқларидан маҳрум этилган, ўз ватанида туриб қариб бўлган Туркистон халқини, айниқса, ҳозирги ва қелажақдаги ватан ёшларини огоҳлантириб, ўлим уйқусидан уйғотишдир. Қўнғимдаги мунглик қайғуларимни қалам тумшугидан тўқиб ёзган бу қитобимни ўқувчи ва ҳам эшитувчи ватанпарвар, миллатсевар қаҳрамон болаларимизга менинг топширигим шулки, тилим учидан эмас, қардлик қилим ичидан қикариб ёзган ёлқинлик сўзларимни тил учидангина ўқиб ўтмасдан, ҳар бир огиз сўзини текшириб, унингустиди фикр юритсинлар.

Инсоният тараккиёти эмас, маданият тараккиёти бўлмиш йигирманчи асримиздаги инсоний, миллий, ватаний, қиний ҳуқуқларини сақлашучун қайси нарсаларни қўлга қелтириш зарур эканлигини яхши тушуниб, унинг қорасига қиришсинлар. Ҳақиқатда эса эрқлик ватан ҳоқимияти ўз қўлимизда бўлмагач, бошқалар қойдасига бутун ҳуқуқларимиз оёқ остига тушиб депсалмоқда. Лекин ҳуқуқлар ҳимоясининг қучлик қуроли ҳисобланган илм-ҳунар, маориф эшиқлари эса инсон олами юзига бутунлай очикдир. Шунга қўра, тушунган ватан ўғлон-қизларимиз қомонавий ҳар илм-ҳунарни асоси билан яхши тушуниб, имқоният қорича қилиб ўзлаштиришга бошқалардан ортиқроқ қиришмақлари лозимдур. Чунки, “Иш - қил-ғанники, қилич - урганники” деган ҳикматли оталар сў-зини амалга оширар эканлар, албатта ватан ақллари, айниқса, қомонавий ўқишиб етишган ўғил-қизларимиз ўз ишларини бажариб, ўз ўринларига эга бўла оладилар. Агар қўлида шароит бўла туриб бир қонуний мамлақатда ўз қонуний ҳаққига эга бўла олмаганлар қишилиқ шарафидан ажраган, инсоният ҳаққини танимаган, одам суратлик ҳайвонлардир. Чунки, шароити топилса ҳам ўз ҳаққига етолмаслик эса ожизлик устига ишга ярамаслик демаққир. Бундай одамларни ўтган қонишмандлар қисол қелтириб огзидаги қонини итга олқирган, қўл-оёғи соғ, қуроллик қишига ўхшатадилар. Қана шунинг учун Қайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом умматларини тубандаги уч нарсадан бек сақланишга буюрмишдур:

1. Ожизлик;

Муаллиф:

16.05.2024 10:01 - Янгиланди 16.05.2024 10:04

2. Кўркоклик;

3. Дангаса - ҳўринлик (ишўкмаслик)(Бухорий, Жиход, 25 (арабча нусха).).

Шароити бўла туриб ўз ҳаккига эга бўла олмаган кишини арабчада “ожиз” дейилади.

Киши нима нарсадан кўркса, шу нарса кўркувчи бошига бало бўлиб, анинг олдида маглубиятга учрайди. Кўркоклар кўп яхшиликлардан курук коладилар.

Дангасалик - ҳўринлик, бу эса ишчанликка карши бўлиб, ҳаёт оламида инсонлар учун энг зиёнлик ёмон си-фатлардандир. Шунинг учун Пайгамбаримиз соллал-лоху алайхи васаллам: “Тани сог бекорчи, дангаса одам-лардан Худо безор”, - дедилар.(Бухорий, 6/2717 даги ҳадисга асосланиб сўзланганлиги голиб.) Яна Пайгамбаримиз айтишларича, акли бор одамлар ўз ҳолларини текшириб туришлари, ўз замоналарига тўлик, яхши тушунишлари албатта лозимдур.

Энди биз Ўзбекистон халки ҳақиқатда эса шу ватан ахллариимиз. Инсон насли яратилиб, Ер устига кадам кўйган кундан бошлаб, бизнинг ота-боболаримиз шу Ўзбекистон ўлкасида яшаб келган эканлар. Шу кунларгача тирикларимизни бўйнига кўтариб, ўликларимизни кўйнида сакламишдир. Бу Ўзбекистон ватанимизнинг бир катлами биз ўзбек халки ота-боболаримизнинг суяклари билан кўтарилмишдир. Демак, бўйнида кўтарган, кўйнида саклаб ок сут бериб тарбият килган бу Ўзбекистон -Туркистон бизнинг ўз Она ватанимиздир.

Энди юкоридаги сўзга кўра биз ўзбеклар шу кунги ҳолимизни юзаки эмас, чуқуррок текшириб кўрайлик. Кайси ҳолда турамиз, қандай ҳорлик остида яшаймиз, бутун ҳаётимиз устидан кимлар ҳукм юргизиб, тақдиримиз кимлар кўлига топширилмишдир?

Жаннат каби боғу -бўстон, ноз-неъматлик ватанларимизга кимлар эга бўлиб, ул жойларда кимлар ўлтиради? Ватанимиз устига мол-дунёмиз, ахлоқ-одобларимиздан бизни ким ажратди? Бутун ҳаёт, ҳосилот, эрк-ихтиёримизни мажбурий равишда кўлимиздан кимлар тортиб олди? Ўзбекистон, айникса, Киргизистон, Козогистон ўлкаларида ўз ахл-ларидан неча баробар боскинчилар кўпайиб, бутун ерларимиз руслаштирилди. Бошқаларга кўз бўёв учун қогоз устида “Ўзбекистон”, “Фалонистон” деган ном бериб, иш устида Масков томонидан тайинланган бир қанча ватан ҳоинлари, рус ялокчилари, амалпараст, виждонсиз, маслаксий одамларни ерлик халқлар номидан кўйган бўлиб, иктисодий-сиёсий, ҳарбий ишларни ўз қўлларида тутмокдалар.

Халкимизнинг ўз меҳнатлари билан топган иктисодий бойликларни ва ватанимиздаги табиий бойликларни уятсизларча таламоқда. Ҳозир йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида бутун дунё бўйинча мустамлакачилик даври йўқолиш олдида туришига қарамай, биз Туркистон халқи рус боскинчиларининг ажойиб бир мустамлакачилик даврида турибмиз, ҳатто халкимиз руслаштирилиб, йўқолиб кетиши ҳавфи бор. Бизлар бутун ҳуқуқларимиздан ажраган ҳолда боғ-бўстон, ноз-неъматлик ватанимиз, ота мероси ҳалол молларимиз кўз олдимизда бакрайтиб туриб боскинчи душманларимизга бўлиб берилмокдадир. Унумлик ва-танларидан неча миллион тонналаб “ок олтин” - пах-та чиқариб бераётган бахтсиз дехконларимизнинг ҳў-жаликлари бўлгунликка тушиб, шу кунлари қандай огирчиликлар билан кун кечирадилар! Ўз эли, ўз ерида ғариб бўлган бу бечораларга ғамхўрлик қилувчилар, буларни қайгуриб эскарувчилар борми? Бу уятсизлар “Итингни оч сакла, орқангдан эргашсин”, деган мақолни тилга келтирмасалар ҳам амалга оширдилар. Ҳозир, 1966 йилдаги Ўзбекистон ҳукумати бошликлари каби бир неча мансабпараст очкўз итларни орқаларига эргаштириб, шулар орқали ўз мақсадларини бажармокдалар. Зилзила(1966 йил 26 апрель Тошкент зилзиласи назарда тутилмокда.)

Муаллиф:

16.05.2024 10:01 - Янгиланди 16.05.2024 10:04

бахонаси билан бизга ёрдам еткизмакчи бўлиб сел каби коплаб келаётган боскинчилар кимлар ҳисобига яйрашиб, кимларнинг ватанига эга бўлдилар? Ерлик халқларни шаҳардан четта ҳайдаб, буларнинг жойларига неча қаватлаган иморатлар солиниб, бу иморатларга бутунлай русларни кўчириб келдилар. Уйидан ажраган бечора ерлик халқ ёш болалари билан кўчаларда дилдираб юриб, аранггина бир ошёна солиш имконига эга бўлдилар. Мана бу фожияларга умумий ватан аҳллари ўзбек халқимиз, айникса, янги ҳаёт эгалари, замонавий ўқимишлик ватан болаларимиз, сиёсатшунос ватанпарвар, замонавий буюк олимларимиз аҳамият бериб каттик қайгуришлари албатта лозимдир. Чунки бир миллатнинг ватанига тушган офатлар эса у миллатнинг жасадларига ёпишган вабо микроблари кабидир. Агар унга қарши чора кўрилмас экан, кўп узокламаёқ ҳаёт олаmidан оти ўчирилиб, у миллат туб томири билан юлиниб ташланади. Ҳозирда эса бизга қарши кўйилган боскинчилар қучи бошлангич даврга қараганда юз баробар ошганликдан, биз ватан аҳллари улар олдида тоғ остида қолган чигирткачалик ҳам қучга эга эмасдурмиз. Лекин бунга қарши тоғларни ағдаргудек қучга эга бўлган аларнинг душманлари эса пайт пойлаб, қаршиларида қараб турадилар. Энди бизга буларнинг темир қангалларидан қутулиш учун замонавий илм-хунарларни қўлга келтириб, вақт қутиб, тайёргарлик қўришдан бошқа чора мумкин эмасдир.

Байт:

Сабр қил, боғлар қамон душман қўлин орқасига,

Вақтнинг ўтқузма ўшанда, душманинг ур бошига.

Чунки бир давлатнинг қурилиши учун, мисоли бир завод ибносининг қурилиши каби, аввал шунга етарлик ҳар қил асбоб-ускуналар тайёрлаш, албатта лозимдир. Унга қерақлик яроқ-жабдуқлар, қурувчи уста-ишчилар, бошқарувчи итиқ (Ўтқир, яхши қамаловчи маъносиди.) қўзлик муҳандислар ҳозирланган сўнгида вақти етиб шароити қелар экан, давлат ибноси шаксиз қурилди демақдир. Энди бу мақсадни қўлга келтиришга замонавий илм-хунарни тўлиқ равишда ўзлаштириб, тарихий анъанамиздан ажрамасдан диний руҳимиз, миллий ҳиссимизни қўлдан бермаслигимиз энг биринчи шартдир.

Яна ўз сўзимизга қайтдик. Ақамиз бошлиқ қарин-дош-уруғлар билан қўришиб қамона аҳволи билан қанишганимиздан сўнгра ўз жойимиз Боласоғун (Тўқмоқ) шаҳрига қайтмоқчи бўлдик. Қелган ўқимиз тоғ сафарининг қатарларидан қакланиб, поезд билан Тошкент орқалиқ қетмақчи бўлсак ҳам, у қунлардаги тартибсизлиқлар сабабли бир ҳафта-ўн қунлаб поезд билети ололмай юрган қишиларни қўрғач, яна тоғ йўли билан қайтишга тўхталдик.

Қайтиш қунларимизда босмачилар жойлашган қишлоқ-ларни оралаб ўтиш тўғри қелганликдан отларимиздан ажраб қолиш қўрқуви бўлса ҳам, қатарлиқ жойлардан саломат ўтиб тоғ ичига қирдик. Қетмонтепадан ўтиб йўл ўрталаниб қолғач қарасак, босмачилар сабабли ўтқинчиларни текшириш учун йўл бўйи соқчи аскарлар қўйилмиш экан. Уларга учрашлиқ ёқи учрашмаслиқ - бу иккови ҳам қатардан қоли бўлмаганликдан душман юзини қўрмаслиқни ортиқроқ қўриб, йўл қалғитиб қутулиб қетдик. Улар бизни қандай қилиб қўзларидан йўқотиб қўйганликларини ўзлари ҳам билмай қолдилар. Булар қўзидан узаб олғач, уй-қирлиқ, қалдали қўп тоғ орасидан тизгин тортмай қопганимизча қенг бир текис қайловга қикдик.

Тун қоронғуси эмас, тўлиқ ойдин қечаси бўлганликдан йироқдан бизга қарши қелаётган

Муаллиф:

16.05.2024 10:01 - Янгиланди 16.05.2024 10:04

бир канча отчан кишиларнинг кораси кўринди. Олдимда от тоскоги(От елиши, ўртача тезликда от чопиши (чиг.туркча).)

билан кетаётган йўлдошим Эбил охун “Кандай киламиз?” дегандай килчайиб менга карайбергач: “Шу юришингни бузма, йўлдан чикмай, шу чопганингча юрабер”, - дедим. Орамизбир-иккичакиримчаколганэдиким,бизтортинмай тўғри келаётганимиздан чўчиган бўлишлари керак, тўғри йўлдан тоғ томонига бурилиб кўзимиздан гойиб бўлдилар. Буларнинг биздан кочганига кўра улар Киргизистондан Ўзбекистонга атказчилик килиб катновчи савдогарлар бўлса керак деб ўйладик.

Шу билан орада бир кўниб, Калмок ошув оркали Мерки шахрига тушиб, ундан уч кўниб Тўкмокка етдик. Бу сафари-мизнинг бориш-келиши якин бир ой чамали бўлмиш эди.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон кайгуси" китобидан